



АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДА КУБРАВИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

Эргашева Нилуфар Акрамжон қизи,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек мумтоз адабиётидаги қубравийлик тариқати ва анъаналари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Нажмиддин Кубро ирфоний асарларининг издошлари ва кейинги давр адабиёти вакиллари ижодига таъсири масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Кубро илми, Шайх анъаналари, "Макорим-ул ахлоқ", вақф, восита, муболаға ва бошқалар.

Abstract: The essay is devoted to the Sufi orders and traditions of Kubraviya in Uzbek classical literature and their peculiarities, the influence of the ageographic works of Najmiddin Kubra, the creations of followers and thinkers of later periods.

Key words: Science of Kubra, Shaykh traditions, Makorim-ul-Akhlaq, waqf, tool, exaggeration, etc.

Алишер Навоий темурйилар салтанатининг мураккаб, зиддиятли бир даврида яшаб ижод этди. Унинг ҳаёт йўли, серқирра ижодиёти, шунингдек, ҳам сиёsat, ҳам адабиёт соҳасидаги бирдай сермаҳсул фаолиятини белгилашда буларни, албатта, эътиборга олиш лозим. Алишер Навоий дунёвий ишлар билан қанчалар машғул бўлмасин, руҳоний ҳаётдан бир лаҳза бўлсин чекинмаган. Мутафаккирнинг ўз асарлари, замондошларининг хотиралари ҳам бунинг ёрқин далилидир. "Макорим ул-ахлоқ" асарида Хондамир шундай дейди: "... ул Ҳазрат қабо кийган валийлар қаторидан жой олдилар ва "Улар учун охиратда хавф йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар", дея хабар берилган мартабага етдилар. Ўспиринлик чоғларидан бошлаб бу



дунё ва ундаги нарсаларга бўлган эътиборсизлик этагини силкиди ҳамда ҳеч қачон ўткинчи мол-дунёга бўлган муҳаббат чангини ва бу дунёнинг нарсаларига бўлган қизиқиши ғуборини ўзининг ҳиммат этагига қўндирамади. Доимо ўз истакларига етишишни истаган танини мashaқатли ишлар ва чидаш қийин бўлган амалларни қилишга буюрар, ўзбошимча табиатининг ўжар жиловини риёзат билаги кучи билан истак ва ҳавас майдонидан қайтарарди”¹. Навоий табиатидаги дунё ҳою ҳавасларидан этак силкиган узлатнишинлик, Яратганга бўлган муроқабаю, доимий зикруллоҳда бўлиш кабилар ҳам тақдирни азалда битилган халқ осудалиги, салтанат тинчлиги каби давлат ишларидан фориғ эта олмади. Бу нафақат дўсти Ҳусайн Бойқаронинг тахтга келиши, балки замонасининг қутбул ақтоби Ҳожа Ахрор Валий ҳамда пири комили Абдураҳмон Жомийларнинг² илтимослари, маънавий таъсирлари натижаси эди. “Натижада улуғлик осмонининг ушбу қуёши “Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан бўлмиш бошлиқларга итоат этингиз!” оятига мувофиқ иш тутиб ҳамда “Бир соат қилинган адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзалдир” ҳадисини мулоҳаза қилиб, амирлик лавозими ва вазирлик мансабини ўзининг қутлуғ қадами билан зийнатлатди”³. Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги ҳар қандай эзгулиқда Навоийнинг ҳиссаси борлиги аниқдир. Салтанатдаги адолат, инсоф, тинчликни шоир Навоий шахсиятисиз тасаввур этиш мушкул. Унинг сиёsat оламидаги ҳаёт мадрасасидан олган таълими билан маънавий йўлчилиқда руҳоний йўлбошчидан олган тарбияси муштараклик ҳосил қилиб, руҳониятида комиллик ҳосил этди. Тасаввуфий ҳаёт, тариқат таълим-тарбияси Навоий ёшлигиданоқ онгу шуурига сингдирилди. Тасаввуф

¹ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.:Faafur Fulom, 2015, – Б. 61.

² Бу ҳақда қаранг: (Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор. Таబаррук рисолалар. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 9.) Бунда Ҳожа Ахрор Валийнинг Ҳазрат Навоийга адолат ҳам бир ибодат эканлигини англаши ва ҳамиша Ҳусайн Бойқаро ёнида бўлиши ҳақидаги мулоҳазалари акс этган мактублари билан бир каторда Жомий ҳазратларига ҳам мана шу масалада қатъий турishi кераклигини айтиб бир неча бор мактублар битганлиги айтилади.

³ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.: Faafur Fulom, 2015, – Б. 63.



ҳақидаги бадий асари “Лисон ут-тайр” достонида буларни мутасаввиғ Навоий шундай ёдга олади:

*Ёдима мундоқ келур бу можаро,
Ким туфулият чөзи мактаб аро.*

*Эмгонурлар чун сабақ озоридин,
Ё «Каломуллоҳ»нинг тақороридин.*

*...Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,
Бу «Гулистан» янглиғ ул «Бўстон».*

*Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,
«Мантиқум-тайр» айлаб эрди мултамас⁴.*

Навоий мадраса таълимини қўрган, зоҳир илми – шариат билан бир қаторда ботин илми – тариқатдан ҳам болалигидан хабардор бўлган. Бу эса бирор бир пири комилнинг этагини тутиш маслагини Навоийда қатъийлаштирган. Рухониятидаги бу эҳтиёж ўлароқ, 1476 йилда нақшбандийлик тариқатининг пири комилларидан ҳисобланмиш Абдураҳмон Жомийга мурид бўлди. Навоийшунос Ё. Исҳоқов: “Навоий гарчи Жомий билан танишиб, унга кейинроқ қўл берган бўлса-да, бироқ у ёшлиқданоқ ўз даврининг буюк сиймоси бўлмиш Жомий асарлари билан, шунингдек, нақшбандийликнинг асосий хусусиятлари билан таниш бўлган ва таниша борган. Жомийга қўл бериши эса ёш Алишер эътиқодидаги узоқ эволюциянинг расмий натижасидир”⁵, – деган эди. Алишер Навоий нақшбандийлик тариқатининг муриди бўлса-да, Ўрта Осиёдаги машҳур тариқатлар яссавийлик ва кубравийлик тариқатларининг таълим усулларини

⁴ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, – Б. 1-2.

⁵ Исҳоқов. Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965, – Б.62.



пухта ўрганган. Чунки бу даврда учта тариқат пешволари ўз фаолиятини тенг олиб борганлар. Э. Миркомиловнинг “Бобур ва Ҳусайн Хоразмий” номли мақоласида Бобурмирзонинг нақшбандийлик тариқатининг раҳнамоси Маҳдуми Аъзамга иззат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида ниёз тариқасида бир бўлак олтин қуймасини ва унга бағишлиланган рубоийсини жўнатганлиги ҳамда Маҳдуми Аъзамнинг ҳам бу назру ниёзга жавобан “Бобурия” рисоласини ёзганлиги, Мирзо Бобурнинг яссавийлик тариқати раҳнамоси Шайх Худойдод Валийдан фотиҳа беришини ва унга тарафдор бўлишини сўраганлиги, кубравийлик тариқати намояндаси Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг Бобур ва Рано Санга билан бўлган жангидаги ўз табаррук ҳассасини Бобурмирзога жўнатганлиги ва бу жангда уларнинг қўли баланд келиб ғолиб бўлганликлари ҳақидаги воқеалар баён қилинадики⁶, бу маълумотлар ҳам юқоридаги фикримизга исбот бўла олади.

Алишер Навоий ҳам ҳар учала тариқат намояндаларининг бадиий адабиётини севиб ўқиган ва уларнинг ибратли ҳаёт йўли, тариқатидаги ўзига хосликлар асарларида акс этган.

Шайхи Валитарош Нажмиддин Кубро ва у ҳазрат асос солган машҳур кубравийлик тариқатидаги Аллоҳга қурбат ҳосил этувчи усуллар, солик ҳол ва мақомларини ифодаловчи рамз ва тимсоллар Навоий ижодига сезиларли таъсир ўтказган. Нажмиддин Кубронинг валийлик шахсияти, “ат-тариқатуз-заҳабия”, яъни “Олтин тариқат” номи билан машҳур бўлган кубравийлик тариқатининг таъсири Навоийнинг дўсти, ҳаммаслаги дарвеш шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг қуйидаги истагидан ҳам намоён бўлади: “... Ҳазрат сulton ҳазрати олийларига шундай арз қилдилар: Бир сафар сизнинг Худо кўнглингизга солган нарсаларни сўзловчи тилингиздан: “Қачонки жаҳондорлик каби ўта масъулиятли бу ишдан зериксам, авлиёларнинг сараси бўлган шайх Нажмиддин Кубронинг ўзидан нурлар таратувчи мақбарасида

⁶ Миркомилов Э. Бобур ва Ҳусайн Хоразмий. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2014. - 11-сон



истиқомат қилувчи ёки улуғ Тангрининг яқини бўлган Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг (Аллоҳ буларнинг қабрларини табаррук қилсин) табаррук мақбараси остонасини супурувчи бўламан”, деган гап чиққан эди. Бироқ энди сизнинг бу орзуйингиз ушалмайдиган бўлди, менга эса тўла хоҳиш ва рағбат билан Ҳижоз сафарига боришимга рухсат бермайдилар. Шунга кўра сизнинг кутлуг шахсингиз ваколати билан қолган умримни Ансориянинг табаррук мақбараси остонасини супурувчилик билан ўтказишимга ва сарой мулозимлиги ишидан бутунлай бўшашибмага рухсат берсангиз...”⁷. Нафақат Навоий, балки бутун маърифат ва мамлакат салтанатида Ҳусайн Бойқаро ўз таъсирини ўтказа олган шахсиятлардан эди. Унинг “авлиёлар сараси Нажмиддин Кубро”га бўлган чексиз ҳурмати, унинг мақбарасида жорубкаш бўлиш истаги, албатта, атрофидагиларни бефарқ қолдирмаган. Шунингдек, яна бир темурий подшоҳ Улуғбек Мирзо ўзининг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”, 1425) номли тарихий асарида Шайх Нажмиддин Куброни “Жами мусулмонларнинг аълоси” дея таърифлайдики, бу маълумотлар ҳам шайхнинг темурийлар хукмронлиги давридаги обрў-эътибори, валийлик шон-шуҳратидан ҳам дарак беради. Ва Навоийнинг ҳам ахли дил сифатида Нажмиддин Кубро ва Абдуллоҳ Ансорийдек буюк зотлар остонасида дарвешона ҳаёт тарзини яшаш орзузи бўлганлигига шубҳа йўқ.

⁷ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т.:Faafur Fулом, 2015, – Б. 83.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдугафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. –184 б.
2. Абдуллаев А. Адабиёти форсуз тоҷик дар нимаи аввали асри XI. – Душанбе: Дониш, 1979. – 288 с.
3. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 348 б.
6. Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 55.
7. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. –192 б.
8. Авроди Қуръоний. Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид Иброҳим ал-Бурсавий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 405 б.
9. Адабиёт назарияси. II жилдлик.– Т.: Фан, 1978. – I жилд. 416 б.; II жилд. – 448 б.
10. Адабиётшунослик энциклопедияси (Тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Мумтоз сўз, 2015. – 664 б.
11. Азиза Бектош. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Наврӯз, 2019. – 212 б.